



CAUSES, TYPES, AND TREATMENT METHODS OF STOMATITIS

Ismatullaeva Jasminabonu

Ernazarova Sarvinoz

Shokirov Sobirjon

Akhmedov Nodirbek

Samarkand State Medical University

Scientific Supervisor: **A.E. Kubaev**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15365184>

ARTICLE INFO

Received: 02nd May 2025

Accepted: 07th May 2025

Online: 08th May 2025

KEYWORDS

Stomatitis, oral mucosa, inflammation, ulcers, redness, swelling, pain, herpes, bacteria, fungi, immunity, allergy, vitamin deficiency, antiseptic, ointment, antiviral, antifungal, pain reliever, hygiene.

ABSTRACT

This article discusses the causes and types of inflammation in the oral mucosa, the fact that this disease can occur at any age, and describes the simplest treatment methods.

СТОМАТИТ КАСАЛЛИГИНИНГ ПАЙДО БУЛИШИ САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ

Исматуллаева Жасминабону

Эрназарова Сарвиноз

Шокиров Собиржон

Ахмедов Нодирбек

Самарканд давлат тиббиёт университети

Илмий раҳбар: **А.Э.Кубаев**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15365184>

ARTICLE INFO

Received: 02nd May 2025

Accepted: 07th May 2025

Online: 08th May 2025

KEYWORDS

Стоматит, оғиз шиллиқ қавати, яллиғланиш, яралар, кизариш, шишиш, оғриқ, герпес, бактериялар, замбуруғ, иммунитет, аллергия, витамин етишмовчилиги,

ABSTRACT

Ушбу мақола оғиз шиллиқ қаватида яллиғланиш сабаблари, турлари ва бу касаллик ҳар қандай ёшдаги одамларда учраши ҳамда энг содда даволаш усуллари хақида баён килади.



антисептик, малҳам,
вирусга қарши,
замбуруғга қарши, оғриқ
қолдирувчи, гигиена.

Стоматит – бу оғиз бўшлиғида яллиғланиш жараёни бўлиб, у шиллиқ қаватда яралар, қизариш, шиш ва оғриқ билан намоён бўлади. Бу касаллик ҳар қандай ёшда учраши мумкин ва кўпинча иммунитет паст бўлганда пайдо бўлади.

Маколамизда стоматитнинг баъзи сабабларини келтириб утамиз:

Инфекциялар. Вируслар, бактериялар, замбуруғлар - буларнинг барчаси шиллиқ қаватларда яшайди ва турли органлар касалликларини келтириб чиқариши мумкин, уларда бир йўла оғиз бўшлиғи ҳам азият чекади. Доимо оғзига нарсасолувчи болаларда ҳам кўпинча стоматит кузатилади. 2017 йилнинг ёзида барчани қўрқитган Коксаки вируси ҳам стоматитни келтириб чиқаради. Жароҳатлар. Масалан, агар тилингиз ёки ёноқларингиз ички томонини тишлаб олсангиз, қандайдир ичимлик билан оғзингизни куйдириб олсангиз. Аллергия ва овқатларга сезувчанлик. Бу индивидуал реакция. Кимдир нордон меваларни ея олмайди, кимдир эса кўп писта чақиб, касалга йўлиқиши мумкин. Милклар касалликлари. Милкларнинг сезувчанлигини ҳаддан зиёд оширувчи ҳар қандай яллиғланишлар. Аутоиммун касалликлар. Шиллиқ қават иммун тизимини ўз хужайраларини вайрон қилишга мажбур қилувчи касалликлар: сил, Крон касаллигида жабрланади. Дори воситалари. Баъзи дори воситалари ҳам стоматитни келтириб чиқаради. Бу антибиотиклар, кимёвий даволаш воситалари, гормонал препаратлар бўлиши мумкин. Тўйиб овқатланмаслик ва стресслар. Ривожланган мамлакатларда бундай ҳолатни тасаввур қилиш қийин, бироқ агар сиз тезпишар лапшалар билан озиқлансангиз ёки қатъий парҳезга риоя қилсангиз, кам ухласангиз ва кўп асабийлашсангиз, стоматит пайдо бўлиши мумкин.

Стоматит турли хиллари мавжуд бўлиб улар турли хил белгиларни намоён қилади. Турларига мисол қилиб Афтоз стоматит, Оғизда афта деб аталадиган оғриқли яралар пайдо бўлади. Бу яралар доира шаклида бўлиб, оқ рангли юзага эга. Кўпинча иммун тизими бузилганда ёки стресс пайтида пайдо бўлади. Бу турдаги стоматитни даволаш учун антисептик эритмалар, витамин терапияси, иммунитетни мустаҳкамлаш каби чора-тадбирлар қоллонилади.



Стоматитни яна бир тури Герпетик стоматит бўлиб, Герпес вируси орқали юқади. Оғиз бўшлиғида кичик пуфакчалар ҳосил бўлади, улар ёрилгач, шиш ва оғриқ келиб чиқади. Бу турдаги стоматитни даволашда антивирус препаратлар (Ацикловир, Валцикловир), иммуномодуляторлардан фойдаланилади.

Кандидоз стоматити (микоз, қичитқи стоматити), *Candida albicans* занглаган занжабил замбуруғлари туфайли пайдо бўлади. Оғизда оқ қоплама ҳосил бўлади, оғриқ ва ёғон тўқималарда қизариш кузатилади. Бу турдаги касаллик Кичик болаларда (оғиз сутли стоматити), Қандли диабет бўлган беморларда, Антибиотиклар ёки гормонал дори воситалари қабул қилган одамларда кўп учрайди. Даволаш учун замбуруғга қарши дорилар (Нистатин, Флуконазол), оғиз гигиенасини яхшилаш керак

Аллергик стоматит Организмнинг аллергия реакцияси сабабли юзага келади. Кўпинча тиш протезлари, дори воситалари, озиқ-овқат аллергияси сабаб бўлади. Даволаш учун аллергияни аниқлаш ва уни йўқотиш, антигистамин препаратлар (Супрастин, Лоратадин).

Яллиғланишли стоматит (бактериал стоматит) келиб чиқишига Бактериялар сабаб бўлиб, кўпинча оғиз гигиенаси паст даражада бўлганда ривожланади. Даволаш учун антисептиклар (Мирами Тин, Хлоргексидин), антибиотиклар, оғиз гигиенасини яхшилаш керак.

Стоматитнинг асосий белгилари бу Оғиз бўшлиғида қизариш ва шиш, Оғриқли яралар, пуфакчалар ёки оқ қопламалар, Ҳарорат кўтарилиши (айниқса герпетик стоматитда), Оғиздан ёмон ҳид (галитоз), Озиқ-овқат қабул қилишда ноқулайлик

Стоматитнинг олдини олиш учун, Тўғри оғиз гигиенасига риоя қилиш, Кунда икки марта тишларни тозалаш, Оғизни мунтазам антисептик воситалар билан чайқаш, Имунитетни мустаҳкамла, Фастфуд ва газланган ичимликлардан воз кечиш талаб килинади.

Маколада Стоматитни даволашда **ярани даволовчи ва яллиғланишга қарши** хусусиятларга эга бўлган турли доривор ўсимликлар ҳам ёрдам беришини курсатиб утиш жоиз деб топдик.

1-усул. 1 ош қошиқ майдаланган хом картошкани кунига 2 марта 5 дақиқа давомида оғизда ушлаб туриш лозим. Даволаш 5-7 кун давом этиши керак.

2-усул. Мойчечак турли хил яллиғланишларни даволаш учун универсал воситадир, хусусан, стоматитни даволашда ҳам ёрдам беради: 1 стакан қайноқ сувга 1



чой қошиқ қуритилган ромашка гуллари солиб, димланади. Дамлама илқ ҳолга келгач, 1 ош қошиқ асал қўшилади. Бу дамлама билан 3-4 марта чайиш лозим. Мойчечак ўрнига аччиқ қўқ чойдан ҳам фойдаланиш мумкин.

3-усул. Мингяпроқ (тысячелистник) нафақат стоматитга, балки периодонтал касалликларга, тиш оғриғига ва гингивитга ҳам ёрдам беради. Бу ўтнинг бир қошиғи бир стакан қайноқ сувга солиниб, 15 дақиқага димланади. Тайёр дамлама билан кунига 3-4 марта оғиз чайилади.

4-усул. Саримсоқ анъанавий равишда оғиз касалликларини даволашда ишлатилади. Стоматит учун сиз 3 дон саримсоқни майдаланади ва бир чой қошиқ йогурт билан аралаштирилади. Аралашма оғизга солиниб, тил билан шиллиқ қават ва милкларнинг барча таъсирланган жойларига суртиш керак. Оғизда ёниш ҳисси пайдо бўлади.

5-усул. Стоматитни сода эритмаси билан чақиш ҳам фойдалидир. Бир стакан қайнатилган илиқ сувга 1 чой қошиқ сода солиниб, яхшилаб эритилади ва ҳар соатда, шунингдек, ҳар овқатдан кейин оғиз чайилади.

6-усул. Бир идишга 1 ош қошиқ эман пўстлоғи (коры дуба), бир стакан сув солиб оловга қўйилади. Аралашмани аввал баланд оловда қайнатиб, кейин 10 дақиқа давомида паст оловда қайнатилади. Дамлама илиқ ҳолатга келгач, сузиб олинади ва кунига камида 5 марта оғиз чайилади. Қулайлик учун сиз тайёр дамламани 5 тага бўлиб олишингиз мумкин. Фақат ишлатишдан олдин илиқ ҳолатга келтиринг.

Натижа: Стоматитнинг афтоз, герпетик, кандидоз, аллергия ва бактериал турлари мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос белгилар ва даволаш усуллари эга. Унинг олдини олиш учун оғиз гигиенасига риоя қилиш, иммунитетни мустаҳкамлаш, фастфуд ва газланган ичимликлардан воз кечиш муҳимдир. Шунингдек, стоматитни даволашда анъанавий усуллар ҳам самарали бўлиши мумкин. Масалан, хом картошка ёрдамида табиий усул билан яллиғланишни камайтириш мумкин. Даволашни ўз вақтида бошлаш ва шифокор тавсияларига амал қилиш орқали касалликдан тезроқ халос бўлиш мумкин.

Хулоса:

Стоматитнинг олдини олиш учун оғиз гигиенасига риоя қилиш, иммунитетни мустаҳкамлаш, зарарли озиқ-овқатлардан воз кечиш ва стрессдан ҳимояланиш зарур. Ўз вақтида профилактика ва тўғри даволаш орқали стоматитнинг олдини олиш ва унинг асоратларидан қочиш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам шифокор-стоматологга мурожаат қилиш тавсия этилади.

References:

1. Максимовский Ю.М., Митронин А.В. Терапевтическая стоматология / М.: Гэотар-Медиа, 2012. – 322 с.
2. Терапевтическая стоматология: учебник: в 3 частях. Ч.3. Заболевания слизистой оболочки полости рта, – под ред. проф. Г. М. Барера. - Москва: ГЭОТАР-Медиа. – 2010- - 245 с.
3. Хирургическая стоматология: учебник. Афанасьев В.В. М.: Гэотар- Медиа, 2011
4. История медицины: учебник Ю. П. Лисицын М.: Гэотар- Медиа, 2011



5. Биоэтика: учеб. пособие для студентов мед. вузов / Ю. М. Хрусталева М.: Медицина, 2011
6. Научно- исследовательская работа кафедры хирургической стоматологии и челюстно-лицевой хирургии: монография Ивасенко П.И. и др. Омск: Изд-во ОмГМА, 2007
7. Терапевтическая стоматология. Болезни пародонта: учебник: в 3 ч. / Под ред. Г. М. Барера. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2013. - Ч. 2. - 224 с.: ил.
8. Esirgapovich K. A. et al. THE EASIEST RECOMMENDATIONS FOR CREATING A WEBSITE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 758-761.
9. Кубаев А. Э., Абдуллаева С. Б. ТИББИЙ ТАСВИР ОЛИШДА РАДИОЛОГИЯ СОХАСИНИНГ ТАВСИФЛАНИШИ //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 7. – С. 121-127.
10. Кубаев А. Э., Абдуллаева С. Б. ТИББИЙ ТАСВИРЛАРНИ ШАКИЛЛАНИШИ //БАРКАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДЖИКОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ. – 2022. – Т. 2. – №. 5. – С. 104-109.
11. Кубаев А.Э. и др. Методы и объем создания базы данных в MS Access. Программа MS Access в медико-биологическом планировании и создании базы данных для хранения информации переходит к теме модулей практического занятия в системе онлайн //ACADEMICIA: Международный междисциплинарный исследовательский журнал. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – С. 779-792.
12. Esirgapovich K. A., Berdieva A. S. FORMATION OF STUDENTS'SKILLS IN USING THE INTERNET AND HIT THE DIGITAL TECHNOLOGIES //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 2. – С. 748-751.
13. Асалиддин Эсиргапович Кубаев, Рустам Рахматуллаевич Бахрамов, Санобар Бердиевна Абдуллаева ТИББИЙ ТАСВИРЛАРНИ ТИББИЁТДАГИ АҲАМИЯ // Академические исследования в области педагогических наук. 2021. №12. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tibbiy-tasvirlarni-tibbiyotdagi-a-amiyati> (дата обращения: 09.02.2023).
14. Хожиевич Б.Е., Эсиргапович К.А. ИНТЕРАКТИВНЫЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ МЕТОДЫ, ИСПОЛЗУЕМЫЕ ПРИ ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИЧЕСКОМУ МОДЕЛИРОВАНИЮ //Репозиторий открытого доступа. – 2023. – Т. 4. – №. 03. – С. 96-103.
15. Кубаев А. Э. и др. "MOBIL ALOQA TIZIMLARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI" MAVZUSINI O'QITISH METODIKASI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 491-496.
16. Эшонкулова С. С., Кубаев А. Э. Сахарный Диабет //Research Journal of Trauma and Disability Studies. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 109-112.
17. Esirgapovich K. A., Nodirova A. N. Causes of Diabetes //Scholastic: Journal of Natural and Medical Education. – 2023. – Т. 2. – №. 1. – С. 49-57.
18. Esirgapovich K. A. DESCRIPTION OF RADIOLOGY FIELD IN MEDICAL IMAGING //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 264-268.
19. Esirgapovich K. A. et al. Use of Electronic Government Interactive Service System in Uzbekistan //Web of Scholars: Multidimensional Research Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 13-22.



20. Кубаев А. Э. и др. JURNALI.–2022 //Т. – Т. 2. – №. 5. – С. 104-109.
21. Boymurodova S. SARATON QANDAY KASALIK //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 38-40.
22. Бозоров Эркин Ходжиевич, Кубаев Асалиддин Есиргапович. (2023). ИНТЕРАКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ При ОБУЧЕНИИ МАТЕМАТИЧЕСКОМУ МОДЕЛИРОВАНИЮ. Инновационная технология: Журнал методических исследований, 4(03), 96-103. <https://doi.org/10.17605/OSF.IO/FZG>
23. Kubaev A. TIBBIYOTDA MATEMATIK MODELLASHTIRISH VA NANOTEKNOLOGIYALAR //Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 9. – С. 17-26.
24. Ulug'bekovna M. S. et al. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE.
25. Khozhievich B. E. et al. STUDY OF CARDIOVASCULAR SYSTEM REGULATION MECHANISMS //JOURNAL OF THEORY, MATHEMATICS AND PHYSICS. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 1-13.
26. Khojievich B. E. et al. MATHEMATICAL MODELING IN MEDICINE. ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF THE MAIN METHODS OF MODELING //JOURNAL OF SCIENCE, RESEARCH AND TEACHING. – 2023. – Т. 2. – №. 11. – С. 1-11.
27. Esirgapovich K. A. RULES OF USING MATHEMATICAL MODELING IN THE FIELD OF MEDICINE //ENG YAXSHI XIZMATLARI UCHUN. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 582-584.